

## **Асфальт аралашмалари маҳсулотларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ**

Рақобат қўмитаси томонидан **асфальт аралашмалари** (ТИФ ТН коди 2715000000) товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

### **I. Асфальт аралашмаларининг импорт ва экспорт ҳолати.**

Ҳисобот даврида **107 та** корхона томонидан **11 та** давлатдан қиймати **27,1 млн АҚШ долларига** тенг бўлган **92,6 минг тн** асфальт аралашмалари **импорт** қилинган.

Импорт қилинган асфальт аралашмалари маҳсулотларнинг **94 фоизи – Туркменистан, 2 фоизи – Россия, 4 фоизи** эса бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Импорт асосида олиб келинган маҳсулотларнинг ўртача нархи **1 тн** учун **292 долларга** тўғри келган.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда энг **йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **48 фоизи** тўғри келган.

2023 йилда **3 та** корхона томонидан қиймати **135,7 минг АҚШ долларига** тенг бўлган **356,8 тн** асфальт аралашмалари **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган мазкур маҳсулотларнинг ўртача нархи **1 тн** учун **380 долларга** тўғри келган.

### **II. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.**

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 2715000000 остидаги маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

**Маълумот учун, Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.**

2023 йил давомида **36 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қиймати 170,5 млрд сўмлик **95,8 минг тн** асфальт аралашмалари ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида асфальт аралашмаларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан **тўйинганлик даражаси** 2023 йилда **50,9 фоизни** ташкил этганлиги аниқланди.

**Маълумот учун,** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажсимида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуши ушибу қўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

Республикада ишлаб чиқарилган асфальт аралашмаларининг **ўртача нархи 1 тн** учун **1,8 млн сўмга** (2023 йил ҳолатига 152 доллар) тўғри келган.

### **III. Ички бозордаги рақобат ҳолати.**

Таҳлиллар доирасида асфальт аралашмалари ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ** (Херфиндал-Ҳиршман индекси) ва **СР 3** қўрсаткичлари орқали баҳоланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** индекси ҳисобланганда, индекс натижаси **1 169 пунктга** тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида рақобат муҳити ривожланганлиги аниқланди.

**Маълумот учун:** **ННІ** (Херфиндал-Ҳиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаши ва концентрация даражасини аниқлаши учун фойдаланилади. Унга кўра, ННІ қўрсаткичи **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.

Шунингдек, асфальт аралашмалари ишлаб чиқариш бозорининг **СР 3** қўрсаткичи **49,1 фоизга** тенг бўлган.

**СР 3** қўрсаткичи - бозордаги энг йирик **3 та** корхонанинг бозор улушилари йигиндисига тенг.

**ННІ индекси** ва **СР 3** қўрсаткичларига асосан асфальт аралашмалари маҳсулотни ишлаб чиқариш бозорида рақобат муҳити етарлича ривожланмаган бозор деб таснифланишини қўрсатмоқда.

### **IV. Хуноса.**

ТИФ ТН коди 2715000000 остидаги асфальт аралашмаларининг тўйинганлик даражаси **50,9 фоизни** ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**